

Тошкент шаҳри

24 ноябр 2022 йил.

«ALEKSANDROV YEVGENIY YEVGENEVICH» якка тартибдаги тадбиркор номидан №5087635-сонли Гувоҳнома асосида фаолият юритувчи Александров Е.Е. “Бажарувчи” бир томондан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, низом асосида фаолият юритувчи К.С.Комилов “Буюртмачи” иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартнома Мойли уруғларни қайта ишлаш мобил технологик тизимини тайёрлаш хизмати (3,0 т/сут қуватга эга кўптурли мойли уруғларни қайта ишлаш мобил технологик тизимини тайёрлаб ташкил этиш) мажбуриятини ўз ичига олади.

1.2. Хизмат кўрсатиш турлари, баҳоси ва хизмат кўрсатиш шартлари мазкур шартномада ҳамда Техник топшириқда кўрсатилади.

1.3. Буюртмачи эса ушбу хизматни қабул қилиш ва бажариладиган хизмат учун ҳақни шартномада кўрсатилган муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

2. Шартнома қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 1- иловага мувофиқ 280 000 000 (Икки юз саксон миллион сум) сўмни ташкил этади, ққс сиз.

2.2. “Буюртмачи” иш бажаришда 3,0 т/сут қуватга эга кўптурли мойли уруғларни қайта ишлаш мобил технологик тизимини тайёрлаб ташкил этиш учун шартноманинг 2.1 бандига асосан шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 банк иш кунида шартнома қийматининг 30 % миқдорида аванс тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади. Шартноманинг қолган 70% миқдори иш тугаллангандан сўнг ва электрон ҳисоб-фактура тақдим этилгандан сўнг 10 банк иш куни ичида тўланади.

3. Технологик тизимни етказиб бериш ва ундан фойдаланиш тартиби

3.1. “Бажарувчи” имзоланган кундан бошлаб 7 (уч) иш кунида “Буюртмачи” га етказиб берилишини таъминлайди.

3.2. “Буюртмачи” мобил технологик тизимни тайёрлаб ташкил этиш жарёнида қатнашиш ҳуқуқига эга.

3.3. “Буюртмачи” иш жараёнининг тўхтатилиш омиллари ҳосил бўлганда шартноманинг 2.1 банди бажарилгандан сўнг 3 (уч) иш кунида “Бажарувчи” ни ёзма равишда огохлантириши шарт.

3.5. “Бажарувчи” иш жараёнининг ташкил этилмаслигига сабаб бўлувчи омиллар ҳосил бўлганда “Буюртмачи” ни 3 (уч) иш ёзма равишда огохлантиради.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал қилиш тартиби

4.1. “Буюртмачи” бажарилган хизматлар учун “Бажарувчи”га шартномада кўрсатилган ҳақни ўз вақтида тўламаган тақдирда муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммаси шартномада кўрсатилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5. Форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш

5.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини (форс-мажор ҳолатини) исботласа, жавобгар бўлмайди.

6. Шартноманинг амал қилиши

6.1. Шартнома иккала томон тарафидан имзоланган ва ЎзР МВ Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради.

6.2. Шартнома «_31_» декабр 2022 йилгача амал қилади.

6.3. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишувига биноан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда тарафлар, қоидага кўра уларни судгача хал этиш юзасидан мустақил чоралар кўради.

7.2. Томонлар ўртасида келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига асосан тартибга солинади.

8. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР.

8.1. Томонлар шу билан коррупсияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларнинг талабларини бажаришга ва ушбу шартномада кўзда тутилган ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари билан боғлиқ равишда коррупсияга қарши қонунларнинг меъёрларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чораларни кўрмасликка, шу жумладан таклиф, авторизасия, ваъда бериш ёки ноқонуний тўловларни амалга оширмаслик (шу билан чекланмасдан) мажбуриятини оладилар, тижорат ташкилотлари, ҳокимият ва идоралар, давлат хизматчилари, нодавлат юридик шахслар ва уларнинг вакиллари ўз ичига олган (лекин улар билан

чекланмаган ҳолда) ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга пул ёки бошқа шаклдаги пора бйериш, шу жумладан (лекин улар билан чекланмаган ҳолда):

Томонлардан бири ушбу банднинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятларни бузган тақдирда, бошқа Томон ушбу Шартномани бажаришдан бир томонлама ва суддан ташқари рад этишга ҳақлидир. Шартномани ушбу бандга мувофиқ бекор қилган тақдирда ушбу банднинг шартларини бузган томоннинг зарарлари қопланмайди.

8.Тарафларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари.

“БАЖАРУВЧИ”

«ALEKSANDROV YEVGENIY
YEVGENEVICH» ЯТТ

Манзил: Ташкен шаҳри, Мирзо-
Улугбек тумани, ТТЗ-1,30-81

Телефон +998 (93) 385-01-61

Банк реквизитлари:

Х/р: 20218000505578843001

АТБ Яшнобод ф-л

«Узсаноатқурилишбанк»

МФО 00440

ПИНФЛ 51107036600036

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти

Манзил: Андижон тумани куйган-ёр
шаҳарчаси Олийгоҳ кўча 1 уй

ИНН 200258091

х/р 302810860032037097300254002

Андижон вилояти бўйича ғазначилик
бошқармаси

хр 23402000300100001010

Банк МББХККМ Тошкент шаҳри

ИНН 201122919 МФО 00014



Александров Е.Е.



Ректор К.С.Комилов

Юрист *А. Буренбоев*

2022 йил 22. 11 даги
№ 24 -сонли Шартномага
1- Илова

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Ишлар ва хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Miqdori	Нархи (сум) ҚҚСсиз	Ушбу шартномага мувофиқ бажарилган ишлардан кутилган натижа
Мойли уруғларни кайта ишлаш мобил технологик тизимини тайёрлаш хизмати	xizmat	1	280 000 000	3,0 т/сут қуватга эга кўптурли мойли уруғларни қайта ишлаш мобил технологик тизимни ташкил этиш.
Жами:			280 000 000	

Жами тўлов учун: Икки юз саксон миллион сўм, ҚҚСсиз.

“БАЖАРУВЧИ”

«ALEKSANDROV YEVGENIY
YEVGENEVICH» ЯТТ



Александров Е.Е

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти



Ректор И.С.Комилов К.С.Комилов